



“ТАСДИҚЛАНГАН”
ЧЭИИ “BEKTEMIR-SPIRT
EKSPERIMENTAL ZAVODI” АЖ
Кузатув кенгаши томонидан
2020 йил “30” ноябрдаги
9-сон баённома

**ЧЭИИ “BEKTEMIR-SPIRT
EKSPERIMENTAL ZAVODI” АЖНИНГ
2021 йил учун
БИЗНЕС РЕЖАСИ**

Давлат номидан акциядор
функциясини бажарувчи ташкилот
номи

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини
бошқариш агентлиги

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси,
100182, Тошкент шахар,
Бектемир тумани,
Х.Байқаро кўчаси, 91-уй

E-xat манзили:

bekspirt@exat.uz

Электрон почта манзили:

bekspirt@mail.ru

СТИР:

206922060

Бошқарув Раиси в.в.б.

Ш.Т.Сраджидинов

Бош бухгалтер

О.М.Кадиров

МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

- 1.1. Корхона реквизитлари
- 1.2. Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари
- 1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати
- 1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармок корхоналари тўғрисида маълумот
- 1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя
- 1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи
- 1.7. Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

II. Корхонани ислоҳ қилиш

III. Бозор ва маркетинг режаси

IV. SWOT-таҳлили

V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

VI. Кўрсаткичлар

- 6.1. Ишлаб чиқариш режаси
 - 6.1.1. Хомашё захираси
 - 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари
 - 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати
 - 6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси
- 6.2. Молиявий режа
 - 6.2.1. Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар таҳлили
 - 6.2.2. Молиявий-иктисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)
 - 6.2.3. Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш

VII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

Иловалар

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1. Корхона реквизитлари

Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни таркибидан фойдаланган ҳолда анъанавий схема бўйича юқори сифатли этил спирти билан таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 581-ф-сонли буйруғи асосида, “Ўзвинпром-холдинг” ХК ва “Ўзспиртсаноат” АҚ томонидан Тошкент шаҳар маъмурияти томонидан ажратилган “Узбыгработ” заводи қурилиши тугалланмаган биноси асосида “Бектемир-спирт экспериментал заводи” ОАЖнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 300,0 минг декалитр бўлган озуқали этил спиртини ишлаб чиқариш заводи қурилишига таклиф берилди.

Завод қурилиши “Ўзспиртсаноат” АКнинг ўз маблағлари ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига амалга оширилди.

“Бектемир-спирт экспериментал заводи” ОАЖ корхонасининг устави 26.06.2007 йилдаги акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган ва Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлиги томонидан 2007 йил 29 июндаги 000493-02-сон билан рўйхатдан ўтган. “Ўзвинпром-холдинг” ХКнинг 22.12.2006 йилдаги 126-сонли буйруқлари билан ва “Ўзспиртсаноат” ОАЖнинг 25.12.2006 йилдаги 33-сонли буйруғи, Буюртмачининг вазифалари ва “Бектемир-спирт экспериментал заводи” ОАЖ қурилишидаги жавобгарлик ЧЭИИ “Комбинат Ташкентвино” ОАЖга юклатилган. 2015 йилда жамият “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” хорижий инвестициялар иштироқидаги акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Олдиндан киритилган барча ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, “ЧЭИИ” атамаси 2015 йил 2 апрел санасида Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида янги таҳрирдаги низомга ўзгартариш киритилганлигини қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 30.04.2015 йилдаги 1552-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Жамият Кузатув кенгашининг 2015 йил 25 май санасидаги қарори билан ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ Уставига ўзгартаришлар киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 15 июн санасида рўйхатдан ўтказилган.

ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, №. Байкаро кўчаси, 91-йда жойлашган.

Жамият юридик шахс бўлиб, тўлиқ харажатларни ҳисобга олиш ва ўзини ўзи молиялаштириш асосида ишлайди, мустақил баланс ва банкда ҳисоб рақамига эга.

Реквизитлар: х/р 20208000004627391001, МФО 01115, ХАТЬ “Ориент Финанс” Шайхонтохур филиали, Тошкент шаҳар. ИИН 206922060, ОКОНХ 18141, ОКПО 22017981, КОПФ 1150, КФС 144.

Жамиятда спирт ишлаб чиқариш бинолари куйидагиларни ўз ичига олади:

- дон қабул қилиш ва қайта ишлаш бўлими;
- пишириш ва қандлантириш бўлими;
- совутиш бўлими;
- ачитқи тайёрлаш бўлими;
- бижғитиш бўлими;

- брагорестифисатион (аппарат) бўлими;
- спирт қуилиш бўлими;
- спирт қабул қилиш бўлими
- спирт сақлаш бўлими;
- спирт сотиш бўлими;
- бардо бўлими;
- углерод диоксида қайта ишлаш бўлими;
- қозонхона бўлими;
- хизмат кўрсатиш учун майший бинолар ва бинолар.

Ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш учун қуийдаги асосий хом ашё ва материаллар талаб қилинади:

- буғдой
- ферментлар
- формалин
- хлор кўшимчаси
- сулфат кислота ва бошқа ёрдамчи материаллар.

Асосий ишлаб чиқаришда буғдой ва бошқа ёрдамчи хомашёлар биржা савдолари орқали сотиб олинади.

ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ фаолиятининг асосини буғдой хом ашёсидан озуқали спирт ректификатини ишлаб чиқариш ҳисобланади.

1.2. Корхона тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари

2010 йилда “Бектемир-спирт экспериментал заводи” ОАЖ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарорига биноан, “Спирт ишлаб чиқариш цехида БРУ ускунасини модернизация қилиш” лойиҳаси юзасидан жамият 2010 йилда Италияниг Frilli Impianti srl. компанияси билан кунига 3000 дал озуқали спирт ректификати ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар этказиб бериш бўйича шартнома имзолади. 2012 йил декабр ойида янги БРУ линияси фойдаланишга топширилди.

Ишчи лойиҳага мувофиқ барча ишлар тўлиқлигича амалга оширилди.

Корхонанинг ривожланиш тарихи, сўнгги йилларда эришган ютуқлари, амалга оширилган муҳим ишлар, корхона фаолиятида муҳим бурилишлар содир этилишига сабаб бўлган омиллар ёки фаолияти ёмонлашишига олиб келган омиллар кўрсатилиши лозим.

2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 115-сонли “Саноат корхоналарининг маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ускуналарини янгилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, “Бектемир-спирт экспериментал заводи” ОАЖга тегишли бўлган “Карбонат ангидрид” цехини модернизация қилиш белгиланган эди. Жамият бу лойиха бўйича тендер ўтказиб, 2014 йилда Хитой давлатининг Zhuhai Gongtong Low Carbon Technology Co., Ltd компанияси билан соатига 500кг газни қайта ишлаш ускунасини шартнома асосида олиб келиб ўрнатди. Лойиха 2015 йил январ ойида ишга туширилди. Бу лойиха ишга тушиши жамият томонидан хавога чиқарилаётган газларни тўлиқлигича тўхтатиб, қайта ишлашга йўналтириш ва минерал сув ва яхни ичимликлар ишлаб чиқарувчиларга сотишга олиб

келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2697-сонли қарорига биноан, ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ 2017 йилда “Спирт цехини модернизация қилиш 2-босқич” инвестиция лойиҳасини амалга ошириб, суткасига 3000 дал “Альфа” спирт ректификати ишлаб чиқарадиган янги БРУ линиясини Италиянинг Frilli Impianti srl. Компаниясидан сотиб олиб келиб ўрнатилди. 2017 йил 9 ойлигига лойиха ишга туширилиб, жамият ишлаб чиқариш қуввати ошишига олиб келди.

2018-2019 йилларда ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ томонидан “Буғдойни чуқур қайта ишлаш” лойиҳаси амалга оширилди. Лойиха Туркиянинг ALAPALA MAKINA GIDA SANAYI VE TICARET A.S.' корхонаси билан шартнома асосида ускуналар сотиб олиб келиб ўрнатилиб ишга туширилди. Лойиха ишга тушиши жамият ишлаб чиқариш қувватини 1600 минг далдан 1930 минг далга ошишига олиб келди. Жамият томонидан 2020 йилда ишлаб чиқариш хажми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамаси томонидан белгиланган балансга кўра олиб борилмоқда. Жамият пандемия шароитида қўшни давлатларга спирт ректификатини экспорт қилишни режа қилган эди аммо, ишлаб чиқаришдаги асосий хом ашё буғдой махсулотини нархи биржада савдоларида кескин кўтарилиб кетиши, махсулот таннархини ошишига олиб келди ва бу истеъмолчилар талабига тўғри келмади.

1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 1930 минг дални ташкил этади. Жамият ишлаб чиқариш хажмини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгилани, жамият берилган баланс бўйича ишлаб чиқаришни ойма ой тақсимлайди. Охирги йилларда жамият ишлаб чиқариш қувватидан ўртача 80-90 фоизлар оралиғида фойдаланиб келмоқда.

Ишлаб чиқариш қувваатидан фойдаланиш даражаси

Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
			2019 й.	%	2020 й. Башорат	%
1.	Спирт ректификати	Минг дал	1600	1440.75	90.05	-
2.			1930	-	-	1600
						82.90

1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот

Жамиятни жорий бошқариш 5 кишидан иборат коллегиал ижроия кенгаши томонидан амалга оширилади:

Бошқарув раиси в.в.б. Сраджидинов Шовкат Тулкунович

Бошқарув аъзолари:


Ишлаб чиқариш бўйича директор Вафаев Фуркат Абдушарифович

Молия директори в.в.б. Кадиров Одил Муратович

Савдо ва таъминот бўйича директор Аҳмадқулов Азизбек Ботиржон ўғли

Режим бўйича директор Мирзамойдинов Шухратилла Кадирбаевич

Рўйхатга олиш пайтида ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖнинг устав капитали 21 000 000 000 сўм миқдорида аниқланди ва иштирокчилар ўртасида тақсимланди.



Жамият ва унинг тизимидағи ташкилотларда кадрлар сиёсати қай тарзда йўлга қўйилгани хақида қўйидагиларни таъкидлаш мумкин, жумладан:

- корхонадаги жами штат бирликлари - 224 киши;
- иш ўрни - 224 киши;
- ходимлар сони - 224 киши бўлиб уларнинг малакаси ўрта маҳсус ва олий маълумотликдир.

Ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ишчи-хизматчилар – 160 нафарни, бошқарувдаги ходимлар – 12 нафар ва техник ходимлар сони 28 нафарни ташкил этади.

Ходимларни ишга қабул килиш асосан меҳнат шартномаси асосида доимий ва меҳнат битами асосида мавсумий тартибда амалга оширилади.

Ишчи ва хизматчилар, мутахассислар малакаси бўйича талаблар ISO буйича бўлиб, ходимлар малакасини ошириш чора-тадбирлари, унга сарфланган маблағлар йилдан йилга талабга қараб амалга оширилади. Жамиятда ишчи-хизматчиларнинг ўртача сони ва улар сонининг сўнгги йилларда ўзгариши 220 кишига тўғри келади ва жамиятда кадрлар қўнимсизлиги 0 фоизга тенг.

Жамият томонидан ишичи ходимларга соғлигини тиклашга ва ижтимоий қуллаб кувватлаш учун пул мукофотлари, куз-қиши мавсумларда қишлоқ хўжалиги маҳсолотлари билан таъминлаб борилади.

Иш жараённида ишлаб чиқаришга қўшган хиссаси ва ютуқлари учун қўплаб ходимлар навбатдан ташқари мукофотланади ва турли дам олиш оромгохларига касаба уюшмаси томонидан дам олишга юбориш ташкиллаштирилади.

Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиши даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1.	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги		51 % (21 420 000 дона акция)
2.	FRUIT INDUSTIALS S.A. Компанияси (Буюк Британия)		34.7 % (14 574 000 дона акция)
3.	Бошқа юридик ва жисмоний шахслар		14.3% (6 006 000 дона акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
1.	Махмудов Мурабит Адилханович	Кузатув кенгаши Раиси, ЧЭИИ “Toshkentvino-kombinati” АЖ, бош директор	5,6% (2 352 000 дона акция)
2.	Абдужаббаров Шерали Янгибаевич	Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси, бош директор	Корхонадаги акциялар мавжуд эмас
3.	Алибеков Тимур Абдумухторович	Давлат активларини бошқариш агентлиги, бошқарма бошлиғи	Корхонадаги акциялар мавжуд эмас
4.	Турсунов Достон Рустам ўғли	Давлат активларини бошқариш агентлиги, котибият мудири	Корхонадаги акциялар мавжуд эмас
5.	Муратов Акмал Ҳакимович	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, халқаро молия ва инвестиция кафедраси доценти	Корхонадаги акциялар мавжуд эмас
6.	Саматова Муппазал	Хусусий тадбиркор	Корхонадаги акциялар мавжуд эмас
7.	Давыдкин Михаил Викторович	“MEGA TRADE СОМУНИКАЦИЯ” МЧЖ КК, директор	Корхонадаги акциялар мавжуд эмас
III. Ижроия органи			
1.	Сраджидинов Шовкат Тулкунович	Бошқарув Раиси в.в.б.	0,99% (413 700 дона акция)
2.	Вафаев Фуркат Абдушарифович	Ишлаб чиқариш бўйича директори	0,29% (121 800 дона акция)
3.	Кадиров Одил Муратович	Молия директори в.в.б.	Корхонадаги акциялар мавжуд эмас
4.	Ахматкулов Азизбек Ботиржон ўғли	Савдо ва таъминот бўйича	Корхонадаги акциялар мавжуд

		директори	эмас
5.	Мирзамуйдинов Шухратилла Кадирбаевич	Режим бўйича директори	Корхонадаги акциялар мавжуд эмас

1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти

Давлатимиз сиёсати турли саноат тармоқларини яратишга ва импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган мавжуд саноат тармоқларини ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган.

Мавжуд ва янги саноат тармоқларини реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш маҳаллий бозорларни талабга эга бўлган маҳсулотлар билан тез тўйинтиришга, бошқа тармоқлар учун хом ашё базасининг кўпайишига, маҳсулот сифатининг сезиларли даражада ошишига, транспорт харажатларининг пасайиши ва йўқотишиларнинг пасайишига, талабни ўзгартириш учун мослашувчан шароитлар яратишга бўлган ёндашувлар ишлаб чиқарилган маҳсулотга катта боғлиқлиги аҳамиятга лойикдир.

Этил спиртини ишлаб чиқаришга квоталар бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан баланс асосида белгиланади ва чораклар кесимида ишлаб чиқариш графиги тузилади.

Жамиятнинг асосий ва иккиламчи маҳсулотларини сотиш истиқболлари мавжуд вазият ва ривожланиш тенденциялари билан белгиланади. Жамият томонидан ректификацияланган этил спирти, карбонат ангидрид ва чорвачилик учун озуқа бозори (барда) маҳсулотари истеъмолчиларга шартнома асосида сотилади.

Жамият географик жойлашуви бўйича жуда қулай жойда жойлашгани ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талаб юқорилиги, жамият томонидан энг сонгти спирт ишлаб чиқарувчи ускуналарни ўрнатилганлиги унинг ички бозорда катта аҳамият касб этади.

Корхонанинг хусусияти, республика иқтисодиётидаги (жойлашган худуддаги) ўрни, аҳамияти, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг стратегик аҳамияти, шунингдек, халқаро бозордаги мавқеи ёритилади.

Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулот, этил спирти истеъмолчилари асосини:

- озиқ-овқат саноати;
- фармацевтика компаниялари;
- парфюмерия корхоналари;
- тиббиёт муассасалари;
- антисептик воситалари ишлаб чиқарувчилар.

Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган карбонат ангидрид гази салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда, техник мақсадларда ишлиши учун истеъмолчиларга шартнома асосида сотилади. Бу маҳсулот асосан “COCA COLA UZBEKISTAN” МЧЖ, “FRUIT JUICE” МЧЖ, “ZOMIN BREWERY” МЧЖ, “Ўзбекистон Шампани” АЖ ва кўплаб ишлаб чиқарувчиларга реализация қилинади.

Сивуш ёғи - бўёқ ва лак саноатида қўлланилади. Тажриба шуни қўрсатадики, истеъмолчилар ишлаб чиқарилган сивуш мойининг бутун ҳажмини сотиб олишга қизиқишиади.

ЭАФ (Эфиро-алдегид фракцияси) – асосан бўёқ ишлаб чиқарувчилар, техник спирт ишлаб чиқарувчилар, автомашиналар учун маҳсус кимё воситалари, резина маҳсулотлари, полиграфия ишлари учун, ва кўплаб кимё ишларида ишлатилади. ЭАФга бўлган талаб юқори бўлиб, тўғридан - тўғри шартнома асосида сотиш ишлари йўлга қўйилган.

Барда чиқиндиси- бу иккиламчи маҳсулот асосан фермерларга қора молларни озуқалантиришга шартнома асосида реализация қилинади.

ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖНИНГ асосий ички бозордаги рақобатчилари Кўқон шахрида “QO’QON БИОКИМЫО” АЖ, Андижон шахрида “ANDIJON БИОКИМЫО” АЖ ва Тошкент вилоятида “БИОКИМЫО” АЖ заводлари мавжуд. Жамият ишлаб чиқариш қуввати бўйича бу 2- ўринда туради.

Жамият пойтахтда жойлашганилиги, маҳсулот сифати жаҳон стандартларига тўғри келиши, транспортировкага қулайлигини инобатга олганда, маҳсулотига бўлган талаб жуда юқори. Маҳсулот сотиш бўйича жамият тўғридан-тўғри шартнома тузиш ва тўғридан тўғри сотиш хуқуқига эга эмас. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан берилган наряд асосида шартнома тузган ҳолда сотиш белгиланган.

1.7. Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

Хозирги кунда жамиятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий тури буғдойдан ишлаб чиқарилган озуқали спирт ректификати ҳисобланади. Тозалаш даражасига қараб ректификацияланган этил спирти қуйидаги навларда ишлаб чиқарилади: “Экстра”, “Олий навли”, “Люкс” ва “Алфа”. Органолептик хусусиятлар бўйича у ГОСТ-5962-67 га тўғри келади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини доимий назоратини корхонанинг техник назорати лабораторияси ва барча турдаги маҳсулотларга мувофиқлик сертификатини берган орган сифатида инспекция назорати, корхона худудида жойлашган “Ўзстандарт” лабораторияси томонидан амалга оширилади. Жамият лаборатироясида энг сўнги хроматографик ускунаси ёрдамида спирт сифати назорат қилиб турилади. Озуқали спирт ректификати намуналари мутахассислар томонидан хроматографик усул билан текширилиб, хар чоракда алоҳида хулосалар берилади.

ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ озуқали спирт ректификатини ишлаб чиқариш учун 2007 йил 27 августдаги АН-494-сонли лицензиясига эга, у қайта рўйхатдан ўтказилган ва 2022 йил 27 августгача амал қиласди. Шунингдек, жамиятда Давлат реестрида рўйхатдан ўтган мувофиқлик сертификатлари мавжуд. Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизими органи томонидан жамият маҳсулотлари учун яъни “Алфа”, “Люкс”, “Экстра”, “Олий навли” озуқали спирт ректификатига мувофиқлик сертификати 14.08.2023 йилгача амал қиласди.

Озуқали спирт ректификати серияли ишлаб чиқариш ГОСТ 5962-67, СанПиН 0283-10 меъёрий хужжатлар талабларига жавоб беради.

Жамиятда ISO 9001-2009 сифат менежменти тизими мавжуд ва озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти тизими O'zDStISO 22000:2009 халқаро стандартига мувофиқ, сифат менежменти сертификатларини олган ҳолда амалга оширилган: O'zDStISO 9001:2009 N:UZ.SMT.05.004.00515.

II. Корхонани ислоҳ қилиш

Жамиятнинг асосий мақсадлари:

- маҳсулот сифатини яхшилаш;
- ходимларни қайта тайёрлаш;
- ҳар доим юқори ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш;
- ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш;
- эски жихозларни ўз вақтида янгилаш;
- Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва реконструкция қилиш.

Юқорида келтирилган мақсадларни амалга ошириш жамият ишлаб чиқариш самарадорлигини шу билан бир қаторда харажатларни қисқартиришга ва маҳсулот сифати бўйича ички бозорда рақобатни шакллантиришга муҳит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги 4787-сонли “Ўзбекистон Республикаси алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги 6033-сонли “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига биноан ташкил этилган Агентлик томонидан ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ 2021 йил мобайнида жамият ўз маблағлари ҳисобидан этил спирти ишлаб чиқаришда ўлчов ускуналарини ва ҳисобга олиш ахборот тизимиға ахборот узатувчи бошқа ҳисобга олиш ва қайд этиш воситаларини ўрнатиш вазифаси топширилган. Шу билан бир қаторда .2021 йилдан бошлаб, этил спирти нархини давлат томонидан тартибга солишни бекор қилиш, шунингдек, этил спиртини реализация қилиш тизимиға бозор механизмларини жорий этиш ишларини амалга ошириш режа қилинган. Бу харакатлар жамият иқтисодий ривожланиши эркин нарх белгилашига олиб келиб, ички бозорда шаффофф рақобатни шаклланишига олиб келади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат улуши сакланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечикаётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўсқинлик қилмоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усууллари, очиқлик, шаффоффлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислоҳотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонига биноан, ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ ҳамда Давлат Активларини бошқариш Агентлиги билан биргаликда корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиш, операцион

самарадорлиги ошириш, жамиятда трансформация қилиш жараёнлари билан биргаликда улар фаолият юритадиган соҳада бозор муносабатлари тамойилларига тўлиқ ўтиш ўрганиш, рақобат мухитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ишларини биргаликда амалга ошириш режалаштирилган.

III. Бозор ва маркетинг режаси

Хисобот даврида барча ишлаб чиқарилган асосий ва иккиламчи маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига сотиш режалаштирилган. Истеъмолчилар билан алоқалар узоқ муддатли шартномалар асосида қурилади, унда этказиб беришнинг жадвали ва муддатлари, шу жумладан нарх муносабатлари белгиланади.

Мижозлар билан муносабатлар барқарор ва прогноз қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва маҳсулотлар сотилишини таъминлайди.

Шартномалар хар чоракда спирт сотиш ярмаркасида истеъмолчилар билан белгиланган тартибда бевосита тузилади.

Нарх конъюктураси Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тартибга солинади.

Савдо бўлинмасига маркетинг ва маркетинг фаолияти учун масъулият юкланади, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- асосий ва иккиламчи маҳсулотлар учун бозор баҳосини кузатиб бориш, таклиф ва таклиф конъюнктураси ва саноатни тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатидаги ўзгаришлар;
- мижозлар билан узоқ муддатли шартномавий муносабатларни ўрнатиш ва уларга хизмат қўрсатиш.

2021 йилдан нархлар жамият томонидан эркин белгиланиши хукumat томонидан таъкидланганини инобатга оладиган бўлсак, бу спирт ишлаб чиқарувчилар учун кескин шаффоф рақобатни юзага келтиради. Агарда биржа савдоларида буғдой нархи ўзгаришсиз қоладиган бўлса, жамият буғдой маҳсулотини Қозогистон республикаси ва Россия давлатининг шимолий худудларидан импорт қилишни режалаштирган. Бунга сабаб спирт ишлаб чиқаришда таннархнинг 75-85 фоизни буғдой нархи ташкил этади. Агар бу хом ашё қанчалик арзолнарда сотиб олинса таннарх пасайиша ва ишлаб чиқариш максимал даражага кўтарилишига сабаб бўлиб, экспортга шароит яратилиши режага олинган. Охирги молия вазирлиги томонидан тасдиқлаган нархлар бўйича ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖнинг тақдим этган нархлари “QO’QON BIOKIMYO” АЖ, “ANDIJON BIOKIMYO” АЖ ва “BIOKIMYO” АЖларга нисбатан 6000-12000 сўмгача бир дал учун арzonлигини таъкидлаш мумкин. Жамият бу заводларга нисбатан энг ёши ва энг қулай қурилган заводлардан хисобланади. Асосий хом ашё нархини пасайиши таннархни пасайишига олиб келиши жамият тўлиқ қувватда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига замин яратади.

IV. SWOT-тахлили

ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ SWOT тахлили

Ички мухит элементлари	Холат-вазият	Кучли жихатлар (Strengths)	Кучсиз жихатлар (Weaknesses)	Имкониятлар (Opportunities)	Хавф-хатарлар (Threats)
Ташкилий тузилма	Функционал-дивизион	Вазифа куйй бүгингача етиб боради			
	Үзгәрүччан	Такомиллаштириш, реструктуризация килиш имконияти катта			
	Ваколатлари чегараланган	Катта натижага эришиш мүмкін			
Бошқарув тури	Функционал - операцион бошқарув	Масала жойда хал этилади			
	Маъмурий ёндашув	Давлат органлари шунга ўрганган, таъсир ўтказиш мүмкін			Масалалар ечимсиз колиши
	Компания бошқаруви ваколатлари чегараланган	Асосий функция билан машгул бўлиш мүмкін			
Бошқарув инструментлари	Йиллик режалар	Режалаштириш		Таклифлар кўриб чикилиши	Кўшимча режалар белгиланиши
	Оммавий тадбирлар	Ташкил этиш бўйича катта тажриба	Чекловларни кўйилиши		
Махсулот ишлаб чиқариш боскичи	Хом ашё сотиб олиш	Биржা савдолари орқали	Импортдаги чекловлар	Юкори ташкилотлардан рухсатномалар олиш	Нархларни кескин ошиб кетиш
	Ишлаб чиқариш	Аниқ ишлаб чиқариш хажмни борлиги		Кўшимча ишлаб чиқариш мавжудлиги	Хом ашё нархлари
Махсулотни сотиш	Наряд асосида	Аниқ истеъмолчини мавжудлиги	Тўғридан тўғри сотиб бўлмаслиги	Экспорт килиш	Нархлар ошиб кетиши
Молиявий ресурслар	Жамият маблагларидан	Керак вақтда ишлата билиш			
	Банк кредити		Фоизларни катталиги	Керакли вақтда айланма маблаглар учун фойдалилиги	
Моддий техник ресурслар	Маъмурий бинолар	Аниқ манзил мавжудлиги			
	Техника воситалари	Энг сўнгги ускуналар ўрнатилганлиги			
Инсон ресурслари	Ижроиа орган	Мукаммал кадрлар танланганлиги			
	Кучли мутахассислар	Бўлим бошлиқларини бошқарувчонлиги			
Коммуникациялар	Йигилишлар	Барча шароитлар яратилган		Янги технологияларни тадбик этиш	
	Телефон, ижтимоий тармоклар	Тўлиқ таъминланганлиги		Сўнгти программаларда н фойдаланиш	
Маъмурий ва бизнес жараёнлар	Давлат органининг юклатилган вазифалари	Тўлиқ ва ўз ватида бажалхрилишини таъминлаш	Фаолиятга тегишли бўлмаган вазифаларни юклатилиши		
	Жамоатчилик вазифаси	Белгиланган тартибда бажарилиши			
Лойихалар	Бир мартталик	Бажарилишини таъминлаш	Молиялаштиришдаги муаммолар	Кувватни ошириш	
	Чекланган аудиторияга йўналтирилган	Аудиторияни кўплиги	Эркин савдо		
Меъёрий-хуқукий таъминот	Фаолиятни тартибга солувчи конунлар				
	ПИФ, ПК, ВМҚ лар мавжуд				
Услубий-технологик	Ихтинослашган услубий кўлланмалар				

Жамият кучли, кучсиз, имкониятлари ва хавф-хатарлари хақида кўплаб гапириш мумкиин. Жамият ривожланишига хукумат томонидан қанча кўп шароитлар яратилиб берилса, шунча кучли бўлади ва хавф-хатар камайиб имкониятлари ошади.

V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ тўлиқ электр энергия билан таъминланган. Жамият томонидан 2010-2020 йиллар давомида кўплаб инвестиция лойихаларини амалга оширилганлиги, электр энергия сарфи 1000 дал маъсулот бирлиги учун анча иқтисод қилинаётганлиги таъкидлаш мумкин. Жамият томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришда хар бир харажат ўзининг маҳсус тасдиқланган нормаларига эга. Жумладан электр энергия, газ, сув сарфлари учун белгиланган 1000 дал спирт ректификати учун нормалар тасдиқланган. Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган охирги нархларда 1000 дал спирт ректификати учун электр энергия сарфи 4958,10 кВат/соат этиб белгиланиб унинг 1 кВат учун 446 сўм хисоб қилинган. Жамият маҳсулот ишлаб чиқариш хажмига қараб электр энергия сарфи ўзгариб боради.

VI. Кўрасаткичлар

6.1. Ишлаб чиқариш режаси

ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ 2021 йилда 1550 минг дал жами озуқали спирт ректификати ишлаб чиқаришни режа қилган. Бу ишлаб чиқариш хажми Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йилда озуқали спирт ректификати ишлаб чиқариш баланси тасдиқланишига қараб ўзгариши мумкин. Жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 1930 минг дални ташкил этади. Йил давомида Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан берилган нарядга қараб ишлаб чиқариш хажми ўзгариши мумкин.

6.1.1. Хомашё захираси

ЧЭИИ “ВЕКТЕМИР-СПИРТ ЕКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ” АЖ томонидан ишлаб чиқариш белгиланган тасдиқланган шароитда амалга оширилиши тартибга солинган. Жамият белгиланган ишлаб чиқариш хажмидан келибчиқиб келаси йилга хом ашё режасини амалга оширади. Жамият ишлаб чиқариш жараёнини тўғри олиб бориш бўйича маҳсус норма асосида фаолият олб боради. Ишлаб чиқариш учун керакли барча ишлатиладиган хом ашёлар 1000 дал спирт ишлаб чиқраиш учун белгилаб қўйилган. Асосий хом ашё биржа савдоларида сотиб олиниб. Шартнома шартларига кўра етказиб берилади. Жамиятда асосий хом ашё буғдой маҳсулоти бўйича охирги йилларда кўплаб муаммоларга дуч келимоқда. Бунга сабаб биржа савдоларида буғдой нархларини кескин ошиб кетиши ва турли худудлардан жуда кам миқдорда савдоларга қўйилишидир. Бу холатлар маҳсулот таннархи кескин ошишига сабаб бўлмоқда. Биржа савдолари орқали сотиб олинадиган кўплаб маҳсулотлар етказиб берувчилар томонидан ўз вақтида этиб келмасликка ёки белгилаб қўйилган маҳсулот ўрнига бошқа маҳсулот олиб келишга бу эса ишлаб чиқаришга тўғридан тўғри салбий таъсир кўрсатишига олиб келмоқда. Жамият захираси 10-15кунлик режа асосида олиб борилмоқда. Бунга сабаб хом ашё миқдорини

тўғри тақсимланмаганлигида. Жамият томонидан биргина таклиф шунидан иборатки, спирт ишлаб чиқарувчи жамиятлар учун биржа савдоларида аниқ ва қлохида савдо платформаларни ташкил этиш ёки алохида хар бир жамият учун наряд асосида элеваторларда буғдой сотиб олишни йўлга қўйиши. Импорт масаласида эса жамиятлар тўғридан тўғри буғдой сотиб олиш учун харидлар тўғрисидаги шартларни тўсқинлик қилиши сабаб бўлмоқда.

6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

Ректификацияланган этил спирти ишлаб чиқаришнинг якуний маҳсулотидир ва 1,2,3,4-сонли ўзгартиришлар билан ГОСТ 5962-67 талабларига жавоб беради.

Ушбу стандарт алкоголли пиво маҳсулотларини дистиллаш ёки ГОСТ 9353-90 буғдойдан ишлаб чиқарилган этил спиртининг ректификацияси натижасида олинган этил спиртига нисбатан қўлланилади. Ректификацияланган этил спирти, тозалаш даражасига қараб, қуидаги “Альфа”, “Люкс”, “Экстра”, “Олий навли” навларида ишлаб чиқарилади.

